

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЭСТЕТИК ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Г.Т.Куттибекова - катта ўқитувчи

Жиззах давлат педагогика институти


Таянч сўзлар: тарбия, ёш авлод, ҳаётий тажриба, нафис санъат, гўзал, табиат, меҳнат, эстетик дид, синф жихозлари, гўзал одоб, фикр.

Ключевые слова: воспитание, молодое поколение, жизненный опыт, изящный, прекрасный, природа, труд, эстетический вкус, классное оборудование, прекрасное воспитание, мысль.

Key words: upbringing, young generation, life experience, nature, exquisite, beautiful, nature, labour aesthetic taste, classroom equipment, appropriate behavior, idea.

Бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбиясини шакллантиришда синф жамоаси етакчи куч сифатида иштирок этиши белгиланган, бу эса қўйилган мақсадга эришишни кафолатлайди. Маълумки, болалар жамоаси катта куч ҳисобланади, бундан самарали фойдаланиш йўллари топиш муҳимдир. Маълумки, ўқувчиларининг хилма-хил фаолияти айнан синфда бўлиб ўтади. Бошланғич синфларда ўқувчилар жамоасини тузиш ва уни талаб даражасида жипслаштириш ўқитувчига жуда катта қийинчиликлар туғдиради. Бунинг биринчи сабаби бошланғич синфларда ўқувчилар таркиби мутлоқ янги бўлади. Шунинг учун ҳам янги ўқувчилар таркибидан янги ўқувчилар жамоасини тузишга тўғри келади. Бунда синф раҳбари ўқувчиларга ҳар томонлама нафис, гўзал, эстетик завқ бера оладиган даражада муносабатга киришиши эстетик тарбияни шакллантиришнинг биринчи талаби ҳисобланади. Бир қатор педагогик олимлар (С. Ражабов, А. Мунавваров, Кўзиевлар) жамоатни таркиб топтириш ва жипслаштириш йўллари кўрсатади.

Айнан шу жамоа таркиби фаолияти замирида, нафосат тарбиясини таркиб топтириш бир қатор қулайликларни яратади. Шунинг учун жамоа тизимига алоҳида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик.



1. Жамоатчилик вазифалари. Биринчи синфдан бошлаб, ҳар бир ўқувчига ўзининг қизиқишига қараб вазифалар юклаш керак. Чунки ўқувчининг зиммасига юклатилган вазифа уларни жипслаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам, синфдаги барча ўқувчиларга жамоавий вазифалар юклатилиши шарт. Улар вазифаларни бажариш жараёнида гўзал ҳаракатларни бажаришга одатланади. Бу эса ўз ўзидан болаларни меҳнатсеварликка ундайди. Қилинган меҳнат самараси болаларга завқ бериши табиийдир.

2. Синф фаолларини аниқлаш. Синф раҳбари дастлабки кунларданок ўқувчиларни жамоат топшириқлари орқали кузатиб бориб, қайси бола нимага қодир эканлигини англаб етади ва шунга мос равишда уларга синф сардори, гуруҳ етакчиси, муҳаррир каби амаллар берилади. Ҳар бир болага юклатилган вазифалар ва уларнинг юки тушунтирилади. Ўқувчиларга доимий равишда бирга ҳаракат қилиш механизми уқтирилиб борилади. Болалар билан биргаликда турли кечалар, тадбирлар ўтказилиши борабарида эстетик тарбия амалга оширилб борилади.

3. Истикболли режалар тузиш. Истикболни кўрсатиш – бу болаларда келажакка бўлган иштиёқини

ошириш демакдир. Бир жамоа бўлиб истиқболли режалар тузиш, ўқувчиларда умумий завқ-шавқни уйғотади. Булар

- байрамга тайёргарлик;
- кувноқлар ва зукколар;
- баҳор байрами;
- мавсум кўшиқлари;
- сайр-томошаларга чиқиш;
- кино-театрларга жамоа бўлиб бориш;
- буюк сиймолар;
- юртимиз пасбонлари;
- Зульфия издошлари;


Сўнгра ўқувчилар олдида унга қараганда мураккаброқ истиқболли вазифалар қўйилади: синф кечасини тайёрлаш, драматик тўғарак ташкил қилиш, олимпиадаларда қатнашиш ва бошқалар.

4. Синф жамоасига ижодий, ижодий ишларни ўргатиш.

Синф жамоасига ижодий, ижодий ишларни ўргатиш доимий равишда ўқувчиларда бунёдкор ғояларнинг туғилишига замин яратади. Болаларда ижтимоий дунёқарашни шакллантиради, урф-одатларга нисбатан ижодий муносабатларни таркиб топтиради, ижтимоий тартиб ва ҳулқ-атвор дастурларига нафосат одатларини киритади. Қилинадиган ҳар бир ишга ижод нуқтайи назаридан ёндашиш кўникмалари шаклланади.

5. Барчага бирдек талаб қўйиш ва муносабатда бўлиш. Ўқувчиларга ягона бирдек талаблар қўйиш жамоада жипслашувга сабаб бўлади. Ўқувчиларга қўйилган талаблар жавобгарлик муносабатини шакллантиради. Ҳар бир бола ўзаро талабчан ва гўзал муносабатда бўлишга одатланади. Бу эса ўз ўзидан эстетик тарбияни янада юксалтириш кераклигини англатади.

Эстетик тарбия бошланғич синф ўқувчилари учун сув ва ҳаводек зарур. Буни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқдир.



1.2.3. - чизма

Бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбиясини шакллантириш учун биринчи навбатда, ўқитисодий вазифаларга эътиборни қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда мактабнинг имкониятлари, синф жихозлари, ўқув адабиётлари, ота – она

томонидан болаларга яратилган шароитлар муҳимлиги билан ажралиб туради.

Бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбиясини шакллантириш учун, иккинчи навбатда, коммуникатив вазифаларга эътиборни қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда бошланғич синф ўқувчиларининг ўзаро мулоқот ва ўзаро тушунишга бўлган эҳтиёжни қондиришга хизмат қиладиган мулоқот маданиятини таркиб топтириш керак.

Бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбиясини шакллантириш учун, учинчи навбатда, таълимий вазифаларга эътиборни қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда бошланғич синф ўқитувчиси ёш авлодни ҳар томонлама камол топтиришда ўқувчиларини тўлиқ ўзлаштиришга ёрдам бериш жараёнида уларнинг ҳуснихатига, ўқув қуролларига муносабатига эътибор бериши шарт.

Бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбиясини шакллантириш учун, тўртинчи навбатда, ривожлантирувчи вазифаларига эътиборни қаратиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунда бошланғич синф ўқувчиларининг дунёқарабини ўстиришга эътибор берилади. Улар ҳар бир фаннинг мазмун – моҳиятини ўқувчилар онги ва қалбига сингдириш орқали самарадорликка эришиш масаласини қўяди.

Бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбиясини шакллантириш учун, бешинчи навбатда, китобхонлик маданиятини ўстириш вазифаларига эътиборни қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Бошланғич синф ўқувчиларида нафосат тарбиясини шакллантиришда бадиий адабиётларнинг ўрнини алоҳида қайд қилиш керак бўлади. Чунки бошланғич синф ўқувчиларини гўзал хулқа, гўзал одобага, гўзал фикрга, гўзал муносабатларга ўргатишда бадиий адабиётлардаги образлар, пейзаж, гўзал туйғу ва муносабатлардан фойдаланиш яхши самара беради.

Бошланғич синф ўқитувчисининг ўқувчиларда нафосат тарбиясини шакллантиришда тарбия жараёнини санъат билан боғлаб олиб боришдаги вазифалари. Бошланғич синф ўқитувчиси санъатнинг барча турлари билан яқиндан таниш бўлиши керак. Ана шундагина у ёш авлодга энг нафис туйғуларни сингдириш қобилиятига эга бўлади. Ўқувчиларга:

- бадиий безакларда;
- ранг тасвирда;
- археологик қазилмаларда;
- театрда;
- кинода;
- концертларда;
- бадиий кечаларда;
- бадиий асарларда;
- халқ амалий санъатида сингдириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбиясини шакллантириш учун қадриятларни ўрганиш вазифаларига эътиборни қаратиши ҳам ўз навбатида муҳимлиги билан ажралиб туради. Бошланғич синф ўқитувчисининг ўқувчиларда эстетик тарбиясини шакллантиришда тарбия жараёнини умуминсоний ва миллий қадриятлар билан боғлаб олиб боришдаги вазифаларидан самарали фойдаланиш шарт. Бунда бошланғич синф ўқитувчиси ўқувчиларга

инсоний фазилатлар туғрисида тушунчалар бериб, уларнинг маънавий дунёқарабини шакллантириб боради.

Юқорида қайт этилган барча омиллар бошланғич синф ўқувчиларини гўзаллик, нафосат тарбияси билан озиқлантиришда ўзига хос аҳамият касб этади.

Жамиятнинг эстетик маданияти деганда инсоният бутун ривожланиш тарихи жараёнида тўпланган моддий ва маънавий қадриятлари мажмуи тушунилади. Ўқувчи шахсининг эстетик маданияти унинг маданий меросини фаол, ижодий ўзлаштириши натижасида ҳосил бўлади. Шахс эстетик маданиятининг асосий таркибий қисмлари эстетик онг, эҳтиёжлар, муносабатлар ва эстетик фаолиятлардир.

Эстетик онг, эстетик идрок, билим, мулоҳаза, баҳс, эстетик идеални камраб олади.

Эстетик эҳтиёжлар ва муносабатлар эса, энг аввало шахсининг эстетик қизиқишлари, диди, эстетик хиссиётларида ифодаланади.

Эстетик фаолият кўникма, малака, ижодий қобилиятлар мавжудлиги билан тасвирланади.

Эстетик онг ижтимоий воқелик, табиат, санъат билан бевосита мулоқот жараёнида шаклланадиган ғоялар, назариялар, қарашлар, бадиий таълим ва тарбия натижасида шаклланади, эстетик онгнинг асосини эстетик идрок ташкил қилади.

Эстетик идрок бу атроф воқеликдаги буюмлар, ҳодисаларнинг эстетик моҳиятини бутун таркибий қисмлари билан биргаликда акс эттириш, идрок этилган нарсаларни шахсда мавжуд бўлган ҳиссий ва ақлий нарсаларнинг ўзаро алоқаси билан ифодаланадиган эстетик мезонлар билан қиёслаш жараёнидир.

Эстетик идрок гўзаллик билан учрашганда юзага келади ва аниқ мақсадга қаратилганлиги билан изоҳланади. Тўлақонли эстетик идрок эстетик тушунчалар ва эстетик мулоҳазаларни шакллантириш билан биргаликда содир бўлади.

Эстетик қизиқиш-шахсни эстетик фаолиятига, воқелик ва санъат асарларини эстетик жиҳатдан ифодалашда кўринади. Эстетик қизиқишнинг асосий белгилари ўқувчида эстетик фаолиятга интилиши, ўзи ёқтирган санъат асарларини йиғиб, тўплаб бориши, уларни такрор-такрор ўқиб, идрок этиши, улар ҳақида фикр билдиришга интилиши, бошқаларнинг шу масалага доир фикрини билишга қизиқиш, муайян санъаткор, жанр, йўналиш қабилаини афзал кўришида намоён бўлувчи, танлаш ҳусусиятининг мавжудлиги билан ифодаланади. Масалан: ўқувчилар ўзларини қизиқтирган санъат устасининг расмларини, асарларини тўплайдилар, қайта-қайта ўқиб чиқадиладар.

Бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбиясини изчиллик билан давом эттиришда ўқувчининг эстетик маданияти, нафосатлиликни илғай олиши, гўзалликни севиш нафосат тарбиянинг бошқа тарбия ва турлари билан алоқада бўлишини тақозо қилади.

Ўқувчиларда нафислик санъатига нисбатан ҳурмат ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни тарбиялаш ҳамда тарбия жараёнида уларни атроф муҳитга гўзал хулқ билан муносабатда бўлишга ўргатиб бориш зарур.

Адабиётлар

1. Mavlonova R. va boshqalar «Pedagogika», -Toshkent: 2001. 306-b.
2. Munavvarov A. Oila pedagogikasi. -T.: «O'qituvchi», 1994. 54-b.
3. Hasanboyev J., To'raqulov X., Haydarov M., Hasanboyeva O., Usmonov N. Pedagogika fanidan izohli lug'at. -T.: "Fan va texnologiya", 2009. 356-357-b.

РЕЗЮМЕ

Бугунги кунда ўсиб – улғайиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук инсон қилиб шакллантириш муаммоси ҳар доимгиданда долзарб бўлиб турибди. Бунинг сабаби шундан иборатки, ҳар бир онимиз шиддатли оқимлар қуршовида ўтмоқда. Бу жараёнда бирон – бир нарсга улгуриб қолиш инсондан билим, кўникма ва малакани талаб қилади. Шунини инобатга олган ҳолда биз бу масала ечимига болаларни ёшлигидан бошлаб ўргатиб боришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

РЕЗЮМЕ

Воспитание всесторонне развитого молодого поколения является одним из актуальных вопросов сегодняшнего дня. Для восприятия огромного информационного потока от современного человека требуются знание, навыки и квалификация. Принимая это во внимание, мы считаем что необходимо развивать у детей эти качества с раннего возраста.

SUMMARY

Education of the highly-develop young generation is one of the actual issues today. Today for the acception of much information stream every one should possess appropriate knowledge, skills and qualification. Taking into account this fact, it's necessary to develop these qualities in children since their earlier age.

ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ АХБОРОТ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БАЪЗИ БИР УСУЛЛАРИ

А.Қыдырнязов – таянч докторант

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: педагогика, дидактика, информатика ўқитиш методикаси, ахборот саводхонлиги, ахборот компетентлиги, АКТ компетентлиги, таълимни ахборатлаштириш.

Ключевые слова: педагогика, дидактика, методика преподавания информатики, информационная грамотность, информационная компетентность, ИКТ-компетентность, информатизация образования.

Key words: pedagogy, didactics, methods of teaching Informatics, information literacy, information competence, ICT competence, informatization of education.

Замонавий дунёда билим ва тажрибага асосланган мустақил фикрлаш қобилияти, бу билимларни ҳаёт муаммоларини ҳал қилиш учун қўллаш қобилиятига эга бўлмаган ҳолда, жуда кўп билимларни егаллашдан, жуда кўп билимга эга бўлишдан кўра қадрланади. Шунинг учун таълим сифати бугунги кунда янги билимларни олиш, уни реал ҳаётга татбиқ этиш, янги билим ва кўникмалар тизимини шакллантириш, шунингдек, мустақил фаолият ва тажриба алмашиш, шу билан бирга замонавий компетенцияга эга (талабларга жавоб берадиган) талабаларнинг шахсий масъулиятига боғлиқ.

Компетенция маълум бир билим ва кўникмалар мажмуи сифатида тушунилади, унда талаба билимга эга бўлиши ва амалий иш тажрибасига эга бўлиши керак.

Ахборот компетентлигини шакллантириш бошланғич мактабдан бошланади. Талабаларнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш, уни идентификациялаш, ташкил қилиш, қайта ишлаш, баҳолаш, шунингдек, уни яратиш ва етказиш қобилияти сифатида аниқланади [1].

А.В. Хуторской компетентликнинг асосий қалитларини таъкидлаб ўтди. улар қуйидагилардан иборат: моддий — маънавий, умумий маданий, маърифий, информатсион, ахборот, коммуникатив, ижтимоий ва меҳнат, шахсий малакаси ёки шахсий малакасини оширишга қодир [2].

Хозирги вақтда технологик инкилобнинг кейинги босқичи — ахборот жамиятининг шаклланиши. Янгиликлар таълим учун янги муаммага айланиб келмоқда — тез ўзгариб бораётган ахборот жамиятида, янги билимлар пайдо бўлиши жараёни жадаллашаётган, янги касбларга доимий эҳтиёж, доимий касбий ривожланиш зарур бўлган дунёда ҳаётга ва фаолиятга тайёрлаш.

Замонавий жамиятда муваффақият қозониш учун талаба ахборот компетентлигининг юқори даражасига эга бўлиши керак.

Талабаларнинг ахборот саводхонлиги — ахборот кўникмаларини ривожлантиришнинг бошланғич даражаси, талабанинг турли фаолиятга ва алоқаларга муваффақиятли қўшилиши учун ахборотни самарали топиш, баҳолаш, улардан фойдаланиш имконини берадиган билимлар, кўникмалар, хулқ — атворининг сифатини ўз ичига олади.

Ахборот компетентлиги ва электрон шаклда ахборот олиш ва репродукцияларни ишлатиш, такрорлаш, такомиллаштириш воситаларини ва усулларини такомиллаштириш сифатида тавсифланади [3].

Тренингга ўтиш учун компетентликни бир фаолият шаклида аниқлаш керак.

Бу ҳолатда, компетентликка эга бўлган номнинг ўзи тегишли ўқитиш усулининг мазмунини белгилайди.

Масалан ахборот компетентлиги:

- ахборотнинг турли манбалар билан ишлаш қобилиятига эгадир: китоблар, дарсликлар, маълумотнома-

лар, атласлар, хариталар, детерминантлар, энциклопедиялар, каталоглар, лугатлар, CD – Rom, Internet;

- таълим вазифаларини ҳал қилиш, уларни ташкил этиш, қайта ишлаш, сақлаш ва етказиш учун зарур бўлган маълумотларни мустақил равишда излаш, ажратиш, тизимлаштириш, таҳлил қилиш ва танлаш;

- ахборот оқимларини бошқаришда, асосий ва зарурий маълумотларни танлаш имконига эга бўлиш; оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган маълумотларни онгли равишда англаб етиш;

- ахборот воситалари: компьютер, телевизор, телефон, мобил телефон, пейджер, факс, модем ва копирайтер кабиларни ишлатиш қобилиятига эга;

- таълим вазифаларини ҳал қилиш учун ахборот ва телекоммуникация технологиялари аудио ва видео ёзувлар, электрон почта, интернетдан фойдаланиш.

Талабаларнинг ахборот кўникмаларининг муҳим таркибий қисми ахборотни бир шаклдан иккинчисига айлантириш ва энг қулай шаклни танлашдир.

Улар матнлар, жадваллар, схемалар, иллюстрациялар бўлиши мумкин.

Буларнинг барчаси, танқидий фикрлашни ривожлантириш муаммосини ҳал қилишни талаб қилади, ушбу технологияда ахборот компетентлигини ривожлантиришга қаратилган методикалар тақдим этилган [4].

График ташкил қилиш усулларида бири ва ахборотнинг мантикий — семантик тузилмаси «Б — Б — Б» («Биламан — билишни истайман — билиб олдим») жадвалидир. Шакл қулай, чунки у мавзу мазмунига комплекс ёндашувни таъминлайди.

У ахборот билан ишлашда ишлатилади ва маърузада ишлатилади.

Унинг график шакли танқидий фикрлашни ривожлантириш технологиясига асосланган уч босқичли акс этиради: қийинчилик, тушуниш, кўзда тутилмаган.

Дастурнинг мақсадлари:

1. Ўз билимлари даражасини аниқлашни ўргатиш.

2. Янги ахборот олишга қизиқиш уйғотади.

3. Янги ахборотни ўзининг ғоялари билан қандай боғлашни ўрганади.

- 1 — қадам: ахборот билан танишишдан олдин талабалар яқка ўзи ёки гуруҳда бўлган талабалар «Биламан» ва «билишни истайман» биринчи ва иккинчи устунларни тўлдиришади.

- 2 — қадам: ахборот билан танишиш ёки ўрганган нарсаларини муҳокама қилиш жараёнида «Билиб олдим» устунини тўлдиришади.

- 3 — қадам: Хулоса қилиб, график мазмунини таққослаш.

Бундан ташқари, талабаларга яна иккита устун — «ахборот манбалари», «нима қолган бўлса, ошкор қилинмайди» тақлиф қилишингиз мумкин.